



# HURRIYAT

## Mustaqil gazeta

2019-yil 5-iyun, chorshanba № 13 (1127) 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz www.uzhurriyat.uz

### ЯНГИ ХИТОЙНИНГ МЕЪМОРИ – ДЭН СЯОПИН



“Шаҳарни яхшилар экансиз, барқарорликнинг асоси бўлган қишлоқни унутманг. Хитойнинг 80 фоиз аҳолиси қишлоқда яшайди. Жамиятимизнинг осойишталиги, иқтисодиётимизнинг тараққиёти биринчи навбатда қишлоқ ҳудудларининг ривожланишига, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига боғлиқ”.

➔ 3-бет

### ГАЗЕТАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

Ёки одамларни уйғотмайдиган нашр кимга керак?



Бугун даромадимизнинг 26 фоизи босма-хона харажатларига кетяпти. Босмахоналар нархни ўзи белгилайди. Осмон! Таҳририятни ҳимоя қилувчи одам йўқ. Давлат унитар корхонаси бўлгани учун таҳририят ягона ижтимоий тўлов солиғини ҳам 12 фоиз ўрнига 25 фоиз тўламоқда.

➔ 4-бет

### ТЕННИС: «ҚИРОЛЛАР» ҚАЙДАДУР?..



Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида, туман-қишлоқларида чиниққан ёшлар пойтахтимиздагидан кам эмас. Уларни теннисга жалб этиш, махсус майдонлар қуриб зарур анжомлар билан таъминлаш яхши натижалар бериши аниқ. Ваҳоланки, теннис кортлари ва анжомлари у қадар катта маблағ ҳам талаб қилмайди.

➔ 7-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар! Дунёдаги жамики мусулмон уммати учун мўътабар ва қадрли бўлган шу саодатли, улуғ айёмда сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Муқаддас динимизнинг эзгули ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари янада ёрқин намоён бўладиган ушбу шукҳли дамларда барчамиз, аввало, Аллоҳ таолога оиламиз, элу юртимиз билан биргаликда бугунги кутлуг ва барокатли кунларга етказгани учун беҳисоб шукроналар айтмиш.

Рамазон ойининг файзу тароватидан баҳраманд бўлиб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, муҳтарам нурионийлар, аёллар ва болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, эҳтиём-манда инсонларга беғараз ёрдам бериш сингари савабли ишларни амалга оширишга интиламиз.

Бундай олижаноб мақсад ва ҳаракатлар мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига олиб чиқиш, халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотларимизнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоханг экани, айниқса, эътиборлидир.

Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган муқаддас динимизни асраш, аждоқларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда мамлакатимизда шу йўналишда катта ишлар амалга оширилаётгани, табаррук қадамжолар обод қилиниб, янги-янги илмий, маданий ва диний марказлар, таълим масканлари ташкил этилаётгани барчангизга яхши маълум.

Бу йил муборак Рамазон кунларида Термиз шаҳрида Ҳаким Термизий, Тошкент шаҳрида Сузук ота ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф каби улуғ уламо-ларимизнинг номлари билан аталган диний мажмуалар, жоме масжидлари фойдаланишга топширилгани, жойларда беш ташаббус ва бошқа ижтимоий-маънавий дастурларимиз доирасида эл-юртимиз, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар учун қулай меҳнат ва турмуш шaroитлари ярати-

лаётгани бу йўлдаги янги қадамлар бўлди.

Ўзбекистоннинг “Жаҳолатга қарши — маърифат” деган тамойил асосида жаҳон миқёсида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, виждон эркинлиги ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқимиз ва дунё аҳлига етказиш борасидаги ташаббуслари халқро ҳам-жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуғ айём кунларида узоқ ва яқин давлатларда яшаётган мўмин-мусулмон биродарларимизни, барча дўст ва ҳамкорларимизни самимий кутлаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаймиш.

Қадрли юртдошлар! Ўзал диёримизда муборак Рамазон шукҳи кезиб юрган шу кунларда байрам кайфияти барча шаҳар ва қишлоқларимизга кириб бориши, бу айёмни янада мазмунли ўтказиш учун шaroит яратиш мақсадида 5-6 июнь мамлакатимизда дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Буюк бобомиз Имом Бухорий ҳазратларидан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилганидек, “Чинакам мусулмон ўзига раво кўрган барча яхшиликларни бошқа инсонларга ҳам раво кўради”.

Дарҳақиқат, ҳаётда эзгу ва саваб амаллари бажариб, оиласи, фарзандлари, эл-юртининг бахту саодатини ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб яшаш мусулмон аҳли учун иймон-этиқоднинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ишончим комил, дину диёнатиимиз ва замон руҳини қалбимизга чуқур сингдириб, бугунги ҳаётнинг ўткир талаби бўлган илм-фан, инновация ва тараққиёт ютуқлари билан қуролланиб, Ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилсак, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта етамиз.

Сиз, азиз ватандошларимни муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан кутлаб, барчангизга сўхтасаломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу баракат тилайман. Ниҳоят пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг шу табаррук кунларда қилаётган барча ибодатлари, эзгу дуолари ижобат бўлсин! Муқаддас айём — Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

### ➔ Мужда



Х. МАМАДАЛИЕВ фотолари.

Наманганда “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртининг янги қуриб битказилган бинолари мажмуаси фойдаланишга топширилди.



## Қутлуг байрамга туҳфа

Мулла Қирғиз ўрта махсус ислом билим юрти номи билан 1991 йилда ташкил топган мазкур ўқув даргоҳи яқингача бугунги давр талабига мувофиқ жавоб бермайдиган, 1900 йилларда қурилган Мулла Қирғиз мадрасаси, Отавалихон Тўра масжидида фаолият кўрсатиб келар эди. Талабалар мослаштирилган хоналарда жуда нуқулай шарт-шaroитларда таҳсил олишарди.

Билим юрти 2016 йил Наманган шаҳрининг энг баҳоли худудига 6 гектарга яқин, 2 миң 600 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлардан

иборат боғни эгаллаган сўхтасаломат замонавий мажмуага кўчирилди ва номи ҳам “Ҳидоя” ислом ўрта махсус билим юрти дея ўзгартирилди. — Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги ташрифи чоғида “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти жойлашган ҳудудни “Ҳидоя” диний-маърифий мажмуага айлантириш борасида кўтарган ташаббуси билим юрти тарихида янги саҳифа очди, — дейди билим юрти мудири А.Бобомирзаев. — Утган қисқа вақт ичида билим юртимиз худудига янги, замонавий маж-

му барпо этилди. Айни пайтда билим юртида Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларидан қабул қилинган 160 нафар талаба Қуръони Карим ва тажвид, тафсир, ҳадис, ислом тарихи, ислом ақоиди, ислом ҳуқуқи, араб тили, динлар тарихи, мазҳаблар ва йўналишлар фанларидан сабоқ оляптилар. Шунингдек, бу ерда талабаларга рус ва инглиз тиллари, информатика, математика, маънавий асослари, бухгалтерия асослари каби дунёвий фанлар ҳам чуқур ўқутилмоқда.

Ақромжон САТТОПОВ.

### ➔ «Ҳаракатлар стратегияси: тараққиёт ва демократия пойдевори» танловига

## Сахро марвариди



Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Биз аждоқларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз” деб таъкидлар экан, дунё жамоатчилиги эътиборини Орол бўйи минтақасида вужудга келган мураккаб экологик вазиятга қаратган эди.

➔ 6

## 7 кун

- ХАБАРЛАР
- ВОКЕАЛАР
- ЯНГИЛИКЛАР

### Янги сузиш ҳавзаси

Қўқон шаҳридаги Муқимий шаҳарчасида ўқувчи ёшлар ва фуқаролар учун янги сузиш ҳавзаси иш бошлади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 5 миллион сўмлик лойиҳаси асосида барпо этилган ёпиқ ҳавза 150 ўринга мўлжалланган.

Германия технологияси асосида қурилган иншоот-да шифокор кўрсатмаларига асосан ҳаракат таянч тизими, кўкрак қафаси деформацияси, умуртқа поғонаси қийшайиши каби касалликларни учун ҳам алоҳида гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Муҳтарам НОРБОЕВА, Фарғона вилояти.

### “Учтут”да тут сайли

Навбахор туманидаги Учтут қишлоғида ёши бир ярим мингга етган дея таҳмин қилинаётган тут дарахтлари ҳақида турли афсоналар бор. “Учтут” ёдгорлигини тут сайли ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, маданият ва туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган сайлда умумтаълим мактаблари жамоаларининг амалий ва бадий санъат намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Халқ сайлида иштирокчиларга тут меваси ва ундан тайёрланган шинни, мураббо ва шарбатлар тортиқ этилди. Хорижий меҳмонлар ва ҳудуд аҳолиси қатнашган фестивал ҳақиқий маънода маданият ва санъат байрамга айланди.

— Биз Америка Қўшма Штатларидан келдик, — дейди Хейзел Голдмен хоним. — Бу ердаги минг йиллик дарахтлар хайратимизни оширди. Уларнинг ҳам меваси, ҳам баргидан кенг фойдаланилар экан. Менимча, дунёда бундай узоқ умр кўрган дарахтлар кам.

Нигора РЎЗИЕВА, Навоий вилояти.

### Катта тадбирлар арафасида

Умумжаҳон хунармандчилик кенгашининг Оснн ва Тинч океани минтақаси президенти, доктор Гада Хижави Кадуми Самарқандга келди.

Шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Бобурмирзо Облуқов билан учрашувда Самарқанд шаҳрини Умумжаҳон хунармандчилик кенгашига аъзо қилиш ва бу борада қўйиладиган талаблар, бериладиган имкониятлар ва ҳамкорлик алоқалари хусусида фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги қарорига асосан 2022 йилда Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити ўтказилиши, ушбу нуфузли тадбирни юқори савияда ташкил этиш учун кейинги уч йилда шаҳар ҳудудида олтинта йўл ўтказиш — кўприк қурилиши бўйича ишлар бошланди.

Ориф ХОЛИҚОВ, Самарқанд.

### ➔ Шукрона

Рўздор инсон биладик, у оғиз очар пайти келганда “Эй бор Худоё, Сенинг учун рўза тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва яна Сен берган ризқ билан рўзани очдим” деб ният қилади.

## Муқаддас айём

Бугун мамлакатимиз халқи эрта тондан эзгу ниятлар билан Аллоҳ буюрган ўттиз кунлик рўзаларини очиб, муборак Рамазон ҳайитига етказганига шукрона келтирмоқда. “Зубдат ул-воизин” китобида ёзилишича, Ибн Аббос розияллоху анҳудан келтирилган ривоятда Расулulloҳ(с.а.в.): “Агар менинг умматим рамазонда бор нарсаларни билса эди, албатта йилнинг ҳаммаси рўза бўлса эди, деб орзу қилган бўлар эди”, дедилар. Зероки, саваб-

лар рамазон ичида йиғилган, ибодатлар мақбул, дуо мустажоб ва гуноҳлар кечирилган ва жаннат рўздорларга муҳтождир. Дарҳақиқат, Рамазон бағрикенглик ойдир. Бу айёмда бирор бир сабаб билан ўзаро низолашиб қолганлар бир-бирларини Аллоҳ учун кечириб, қучоқ очишади ва бунинг учун Аллоҳнинг раҳматига ноил бўладилар. Зеро, рўза қалбни ҳасад, адоват, гина-қудурат, жаҳл каби иллатлардан поклайди.

➔ 8

### ➔ Қадр

Ўлмасхон ая ҲОШИМОВА:

## Ўткир аканинг ҳеч бир асари осонлик билан чиқмаган

Ўткир Ҳошимов деганда кўпчилик китобхонларнинг кўз ўнгига ўзбекларнинг ўзига хос феъл-лини, дардини, ташвишларини, орзу-умидларини халққа яқин тилда, самимий ифодаб бера олган адиб гавдаланади. Ардоқли ёзувчимиз ҳаёт бўлганда 78 ёшни қаршиларди. Кунини-кеча муҳбири-миз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг хонадоши бўлиб, у кишининг умр йўлдоши Ўлмасхон ая Ҳошимова билан сўхбатлашди.

— Ўлмасхон ая, Ўткир ака билан қандай танишгансизлар, ўзи?

— Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетининг журналистика бўлимида биргаликда таҳсил олганмиз. У пайтда ўқиб бошланган заҳоти талабалар пахта теришга жалб этиларди. Турмуш ўрто-

ғим билан асосан пахта далаларида дўстлашиб кетган бўлсак керак, деб ўйлайман. Кечки таомдан кейин гулхан атрофида мушоира бўларди. Адабиёт оstonасига кириб келаётган талабалар соатлаб шеър ўқирди. Ўткир ака ўша ерда ҳам қозғ қоралаб ўтирганига кўп гувоҳ бўлганман.

➔ 5

► Шукуҳ

Бола кўнглидан-да покроқ неъмат, унинг кулгусидан кўра ёқимлироқ оҳанг йўқ. Фарзандлар борки, уйимиз чарогон, қалбимиз нури. Ёрқин келажгимиздан кўнглимиз тўқ. Зотан, улар бизнинг эртаимиз, умидларимиз чечагидир.

# Болалар қувончи



Диёримиз бўйлаб 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирлари ҳам ёш авлодга ғамхўрлигимиз тимсоли бўлди. Шаҳару қишлоқда, маҳаллалар, хиёбонларда уюштирилган шодиёналар мурғак вужудларга олам-олам шодлик улашди. Ана шундай байрамона тадбирлар мактабгача тарбия муассасаларида ҳам ўтказилди. Жумладан, пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган 365-мактабгача тарбия муассасасида ташкил этилган байрам болажонлар хотира-сида қолиши шубҳасиз. Айниқса, эртақ қаҳрамонларнинг саҳнага чиқишлари, тарбияланувчилар билан биргаликдаги шўх ўйин-кулгулари кичкинтойларнинг завқ-шавқини оширди. — Муассасамизда 280 нафардан ортиқ бола тарбияланади. Бу йил 60 нафар болажонларимиз мактабга қадам қўяди. Мурғак фарзандларимизнинг соғлом ва илк саводхонликларга эга бўлиб, мактабга бораётгани бизнинг ютуғимиздир, — дейди муассаса мудариси Шаҳноза Ғуломова. — Бугун эса болаларимиз учун катта шодиёна. Эрталабдан уларнинг кайфиятини кўта-

риш, байрам руҳини улашиш учун тадбир ташкил этдик. — Муассаса тарбияланувчиларига байрам совғаларини улашадиган тарбиячилардан бири Муҳайё Ғуломова ҳам ўз фикрларини шундай баён қилди: — Мудиримиз — ташаббускор, болаларни қувонтиришдан ўзи ҳам завқ олади-ган инсон. Шунинг учун ҳар бир байрам боғчамизда катта шодиёнага айланиб кетади. Болаларнинг шодон кулгуларига тўла даврада сочлари кўнгирак бир қизалоқ билан сўхбатлашамиз: — Бугун менинг байрамим экан. Ойим билан дадам ҳам табриклашди. Боғчамизда эса концерт бўлапти. Менга маймоқвойнинг уйнаши жуда ёқди, — дейди Лолаҳон бурро-бурро гапиршига уриниб. — Мен катта бўлсам, актриса бўлам. Ҳар кун болаларга томоша қўйиб бераман. Ҳа, болаларимизга байрамлар, байрамларимизга болалар ярашади. Аслида уларнинг ҳар кунини шодликка тўлдириш, бир умрга ёдларидан қоладиган болалик айёмларини ғўзал хотиралар билан бойитиш биз — катталарнинг бурчимиз. **Зухал РЎЗИЕВА.**

— Байрам муносабати билан Республиканинг барча шаҳар ва туманларида “Бахтли болалик” лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди Республика “Камалак” болалар ташкилоти бош мутахассиси Сухроб Жўраев. — Лойиҳа доирасида “Экология ва мен” болалар конференцияси, “Миллий ўйинчоқлар” фестивали, болаларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, “Мен ҳам аскар бўламани”, “Биз бир сафдамиз!”, “Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида!” тадбирлари, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси менинг нигоҳимда” тарғибот-ташвиқот акцияси, “Соғлом авлод” болалар спартакиадаси, “Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар” фестивали, болалар театр жамоаларининг чиқишлари, “Бахтли болалик” деб номланган гала концерт ва “Зукко китобхон” интеллектуал танлови ўтказилди.

Шаҳар ва туманларнинг аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ва асосий майдонларда бўлиб ўтган тадбирларда 970 мингга яқин бола камраб олинди. Республикадаги жами 22 та Мехрибонлик уйининг 2483 тарбияланувчисига “Бахтли болалик” лойиҳаси ва “Камалак” болалар ташкилотининг совғалари тақдим этилди. Интеллектуал танловларда голиб чиққан 364 ўғил-қизга ёзги оромгоҳларда бепул дам олиши учун ҳамкор ташкилотлар йўлланма ажратди. Бундан ташқари, мактабдан олиш масофада яшовчи 49 болага Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг велосипедлари совға қилинди. Марказдан узоқда жойлашган, маҳаллалараро ташкил этиладиган болалар спартакиадаларида голиб бўлган 80 маҳалла болалари жамоаларига спорт инвентарлари берилди. **Ориф ЖУМАЕВ.**

► Замондошларимиз

Қизилқум саҳроси бағрида ястаниб кетган Навоий воҳасининг қуруқ-иссиқ иқлими кишини лоҳас қилади. Бир озгина шабада эссаю жонга малҳам бўлса, дейсиз. Айниқса, узоқ йўлдан толиқиб келганда, ором топадиган бир маскан излайди киши. Навқирон шаҳарнинг бугунги қиёфасини кўриб қолганнингизни топгандай бўласиз. Муҳташам иншоотлар, замонавий турар-жойлар, теп-текис йўллар, бир сўз билан айтганда, улкан бунёдкорлик ишларининг ўзи баҳри дилингизни очади. Беихтиёр ҳазрат Навоийнинг бунёдкор қаҳрамонлари — Фарҳодлари ёнгинангизда яшаётгандек туюлади.

# Навоийнинг бунёдкор Фарҳоди

Ҳўш, улар ким ўзи? Муҳандисми, қурувчими, тадбиркорми? Ҳа, уларнинг ҳар бири шу номга лойиқ. Лекин, бизга қолса, росмана бунёдкор янги гоялар, йирик лойиҳалар ижодкори, жамиятга, иқтисодиётга фойда келтирадиган янги замон кишисидир. Навоийлик Фарҳод Сирожовни яқиндан биладиганлар унга айнан шундай таъриф беришади. — “Навоий комфорт курилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод Сирожов — анча йилдан буён вилоят иқтисодиётга самарали улуш қўшиб келаятган кўп тармоқли тадбиркорлардан бири, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фарҳод Раҳмонов. — Ҳудудда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали соҳани юқори босқичга кўтариш учун айнан шундай дунёқарош кенг, шижоатли инсонлар зарур. Кўнгли тоза одамнинг ишини яратганнинг ўзи ўнглайди, деганлари бежиз эмас. Қайси тармоқда иш бошламасин, кўзга кўринарли ютуққа эришади, юзлаб иш ўринлари очади. Бир мисол — Сармишсой дарасида бир миллиард сўмдан зиёд инвестиция ҳисобига барпо этилган дам олиш маскани бугун сайёҳлар билан гавжум. Мазкур дара ёдгорликларини томоша қилишга таширф буюрган сайёҳларнинг 40 фоизини хорижий меҳмонлар ташкил этапти. Ушбу дам олиш зонаси 72 тур фирма сайёҳларини қабул қилмоқда. Дарҳақиқат, туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кенгайтириш бугуннинг муҳим талаби. Тадбиркор шу орқали ви-

лоятнинг бой маданий меросини ўрганиш ва уни тарғиб этишни мақсад қилган. 32 гектар майдонни обод қилди. Чўл зонасидаги ушбу маскани кўкаламзорлаштириш учун 3000 дан зиёд арча, 2000 мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Айни пайтда бу ерда 15 ўтов, етти коттеж ва вилла сайёҳлар учун хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг диққат марказидаги масала — туризм соҳасини ривожлантиришда янги авлод вакиллари тарбиялаш ҳамда қўлайлик ва замонавий сервис яратиш вазифаси ишбилармоннинг қизиқишларига монанд. У Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида айнан шу йўналишда таҳсил олиб қайтди. “Ўзбектуризм” МКнинг туроператорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича давлат лицензияси, “Меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари администратори”, “Туризм мутахассиси” гувоҳномаларини қўлга киритди. Ушбу йўналишда ишчи-ходимларни ўқитиш ва иш ўргатиш имкониятига эга бўлди. Қадимий дара тадбиркорга илҳом берди. Утган йили “Сармишсой” массивида “Silk road Construction and Technologies” МЧЖни ташкил этди. Корхонанинг асосий фаолияти — боғдорчилик. Қиймати 4 миллиард сўмга тенг 100 гектар майдонда томчилик таъмироти усулида бодом ва pista плантациялари ташкил этиш режалаштирилган эди. Жорий йилнинг 2 март кун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга таширфи давомида тадбиркорнинг ташаббусига юқори баҳо берди ва лойиҳани 500 гектарга, қийматини эса 20 миллиард сўмга етказиш лозимлигини таъкидлади. Ушбу та-



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган “Ҳаракатлар стратегияси — юксалиш стратегияси” номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/28)

► Уюшма фаолиятдан

## Касб этикаси кодекси — журналистнинг мезони бўлиши керак

“Hurriyat” газетасининг 22 май №11 сонида чоп этилган “Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси” лойиҳаси бугун мамлакатимиз қалам аҳлининг ижодий кўтаринкилиги янада ортишига муҳим туртки бўлди. Шу муносабат билан жойларда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчилар, кўйинги, журналистлар меҳнат қилаётган барча жамоаларда ўтказилаётган йиғилишлар асосан касбимиз этикаси лойиҳаси муҳока-масига бағишланаётир.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаларининг Андижон вилояти бўлимида ўтказилган йиғилиш ҳам тақдим этилган касб этикаси кодекси лойиҳасини ўрганиш, у ҳақида фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришга бағишланди. Унда вилоят бўлими қошидаги Кенгашлар аъзолари, етакчи ижодий жамоалар раҳбарлари иштирок этилди. — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари томонидан эътиборимизга тақдим этилган касб этикаси кодекси — ҳар бир журналист фаолиятининг мезони, унинг бурчи, масъулияти, ахлоқий маданияти, маънавиятини белгилаб берувчи ўзига хос муҳим ҳужжат, — деди бўлим раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Назиржон Саидов. — Уюшмамиз раҳбарияти томонидан алоҳида таъкидланганидек, кодекснинг касбий фаолиятимизда қанчалик муҳим ўрин тутиши мукамал бўлишига боғлиқ. Шу боис, ҳар бир журналист Кодекс лойи-



лиқ ижроси маъқулланиб, эндиликда 600 гектар ерда бодом ва pista плантациялари ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Фарҳод Сирожов замонавий шаҳарсозлик услублари, норма ва қоидаларига жавоб берадиган объектлар курилиши билан фаол шуғулланади. Савдо-саноат палатаси вакили айтганидек, қайси давлатга борса, бир янги гоя билан қайтади ва шуни, албатта, ҳаётга татбиқ этишга эришади. “Garden House” (“Боғли уй”) — кўп қаватли турар-жой ва оилавий дам олиш мажмуаси ана шундай янги гоя ва лойиҳа махсули. Кўп тармоқли курилиш монтаж бригадалари қуриб битказган мазкур иншоот учун курилиш материаллари Россия, Дубай, Швеция, Германия, Хитой давлатларидан олиб келинди. Ушбу мажмуа меҳмонхона ва музейлар, миллий, француз ва италян таомлари ресторани, болалар ва катталар учун мўлжалланган ўйингоҳлар, машиий хизмат кўрсатиш объектлари, офис ва ўқув марказларини ўз ичига олган. Мазкур хизмат кўрсатиш объектларида юзга яқин иш ўрни очилган. Бундан ташқари, тадбиркор бошичилигида Навоий шаҳар, Маҳмуд Таробий кўчасида қиймати 80 миллиард сўмлик битта тўрт қаватли ва битта беш қаватли турар-жой биноси курилиб, фойдаланишга топширилган. У билан ишлайдиган ходимлар Фарҳоднинг гайрати ичига сиймайдиган одам, ўзи ҳам бўш ўтирмайди, бизни ҳам тинч қўймайди дейишади. Ҳарқалай, айтганларича бор. Биз унинг яқин бир-икки йиллик лойиҳаларини, қурдирган замонавий иншоотларини кўриб, мустақил бир шаҳарчага тушиб қолгандай бўлдик. Навоий шаҳрида илк бор замонавий курилиш материаллари бозорига асос солган, кўп қаватли хизмат кўрсатиш ва савдо маркази — “Навоий техно планет” мажмуасини қуриб битказган ҳам мана шу омадли тадбиркор эди. Бугун шаҳарга кўрк бериб турган “Боғли уй”даги манзара эса ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли ўз боғида турли кўчатлар, гуллар, ҳатто сабзавоту мевалар етиштириш имконига эга. Тадбиркорнинг гапига

қараганда, бундан-да, йирик лойиҳа — ривожланган мамлакатларнинг катта шаҳарларидаги каби кўп қаватли уйлар ертўласи ва тоmidан ҳам унумли фойдаланиш устида иш олиб борапти. 2015 йилда Қизилтепа туманида ташкил этилган “Klinals Far” тош майдалаш корхонаси ҳам аллақачон тилга тушган. Корхона учун Швеция компаниясининг GP-100 маркали, қиймати 97 580 еврога тенг конусли тош майдалаш ускунаси олиб келинди. Йилга ўртача 180.000 куб.метр маҳсулотни қайта ишлайди. 2016 йилда бу ерда 850 миллион сўмлик, 2017 йилда эса 3,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. “Klinals Far” курилиш соҳасида етакчи — “Galik Enerji Sanayi Ve Ticaret A.S.” халқаро турк компанияси ҳамда Сингапурнинг “Enter Engineering Pte. LTD” хорижий корхоналарига маҳсулот етказиб беряпти. Утган йили 275 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулотни экспорт қилишга эришди. Тадбиркорнинг турк компаниялари билан ҳамкорликдаги тоза туз ишлаб чиқариш, Кармана тумани Нарпай массиви “Ешлик” маҳалласида курилиши бошланган жами қиймати 95 миллиард сўмлик учта етти қаватли “Версал” турар-жой комплекси ва 100 ўринли болалар боғчаси каби янги лойиҳалари ҳам бор. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг махшур достони қаҳрамони — Фарҳод бунёдкор, элу юрти ободлиги учун ўзини фидо қилган инсон. Буни қарангки, бугун алломанинг шарафига номланган Навоий вилоятида худуд ободлиги, халқнинг турмуш фаровонлиги учун хизмат қилаётган, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, давлатимиз раҳбарининг эътирофига сазовор бўлаётган табиркор ҳам бугуннинг Фарҳоди бўлиб майдонга чиқди. У вилоят иқтисоди-га бир йилда жами корхоналари билан бир миллион доллардан кўпроқ миқдорда фойда келтирмоқда. Мингдан зиёд иш ўрни яратган. Вилоят аҳли бу бунёдкор фарзандининг янгидаги янги йирик лойиҳалар ижодкори сифатида юқори марраларни сабт этишига ишонди. **Холида ФАЙЗИЕВА.**

► Хотира

## Эзгулик деб яшаган одам

Раҳматли Тошмурод домла Зомин тоғлари бағрида жойлашган сўлим қишлоқлардан бири — Усмони сой қишлоғида ҳаёт келган. 15 ёшга кирган йиғича мўйлови сабза урар-урмас 8-ўрта мактабда ўқувчилик қилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида турли мактабларда сабоқ бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишларида ҳам фаол иштирок этган. 1955-йили Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Зомин туманидаги қатор мактабларда физика-математикадан дарс берган. Тумандаги халқ таълими бўлимида мудар сифатида фаолият олиб борган. Маҳоратли ўқитувчи бўлиш баробарида қалами ўткир, сўзга чечан журналист сифатида ҳам танилган. Соҳага оид мақолалари билан туман, вилоят ва республика даврий нашрларида фаол иштирок этган. Тошмурод домла умрининг 65 йилини ўқувчиларга таълим беришга сарфлади. Маориф соҳасида кўрсатган юксак хизмат-

лари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, юксак унвон, орден ва медаллар билан муқофотланди. Устозининг шогирдлари икки нафар фан доктори, 8 фан номзоди сифатида ва минглаб бошқа соҳа ҳамда касбларда самарали меҳнат қилмоқда. Хотира — ўтмишни, аждоқлар ўғитини, миллий меросимизни англаб турувчи муқаддас китоб. Устозни ёрқин хотиралар билан аслоҳчи шогирдлари Зоминдаги қирғиз тилига иқтисослаштирилган 8-мактабда Тошмурод Айбашевнинг 95 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказди. Тадбирда унинг шогирдларига ва ўқитувчиларга меҳрибонлиги ҳамда талабчанлиги тўғрисида самими сўзлар айтилди. Спортнинг футбол, шашка шахмат турлари бўйича Тошмурод Айбашев ўқитиш турини бўлиб ўтди. Устоз ёқиб кетган илм чироғи оқил фарзандлари ва шогирдлари қалбида асло ўчмайди. **Норкул МАЪМУР, журналист.**

► Машхур сиёсатчилар

Халқ коммуналари раҳбарлари қатори, уларнинг аъзолари ҳам ишчиларни бўлаб бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқини олдилар. Шу пайтдан бошлаб жаҳон бозори арзон хитой кийим-кечаги, бошқа турли халқ истеъмол моллари билан тўлди. Америкалик синолог (хитойшунос) Эван Солсбери Хитойнинг ривожланишини шундай тасвирлайди: “Дэн ерни деҳқонларга қайтариб берди, коммуна тизimini бузди ва деҳқонларнинг шолига тўлаётган амборларига қараб мамнун ҳаёл сурарди. У одамларнинг чўнтагини ўзлари ишлаб топган пулга тўлдирди”. Натижада аҳолининг харид қилиш имконияти ортди. “Артерияларида қон югурди” — савдо-сотиқ илдам суръатлар билан ривожлана бошлади. Ички ва ташқи товароборот — маҳсулот айри-бошлаши кенгайди. Ишлаб чиқаришга янги, илғор технологиялар жорий этила бошланди. Катта инвесторларни Хитойга жалб қилишга муваффақ бўлинди.



# Янги Хитойнинг меъмори — Дэн Сяопин

Америка Қўшма Штатлари, Германия, Бирлашган Араб Амириклари, Япония инвесторлари бошида Хитойга маблағ киритишдан ҳайқишди. Шунда Гонконг, Сингапурдаги Хитой миллатига мансуб бизнесменлар ёрдамга келишди. Улар инвестиция киритишнинг ҳеч қандай хавфи йўқлигини, Хитойдан қўриқиб эмас, балки, аҳолиси дунёда энг кўп бу мамлакатга энгил саноатини ривожлантиришга маблағ киритиш зарурлигини ва унинг даромади солиштириб бўлмас даражада катта бўлишини ўзларининг ишбилармонлик, тадбиркорлик тажрибалари билан, таъкидлаш лозимки, ватанпарварликлари билан амалда исботлаб бердилар. Дэн Сяопин давлатни бошқараётган даврида Хитойга мисли кўрилмаган ҳажмда — 650 миллиард АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилган.

Яна бир тарихий воқеани эслаб ўтиш лозим, Хитойдаги иқтисодий ислохотлар Совет Иттифоқидаги Михаил Горбачёвнинг “қайта қуриш” даврига тўри келди. Натижа нима бўлганлиги дунёга маълум: бири йўқдан бор қилса, иккинчиси бутун бир қудратли салтанатни заиф, қашшоқ ҳолга солиб, пароканда қилди. Дэн Сяопин ўзининг ноёб қобилияти, оддий бир инсонга хос куч-қудрати билан шу пайтдаги қашшоқ бир давлатдан ривожланган давлатни бунёд этишда халққа раҳбар сифатида ёрдамга келди. У халққа яқин бўлди, омманинг илтимосига, унинг талабига, шартига қулоқ тутди. Нафақат қулоқ тутди, уни зўр шижоат билан энг шимариб амалга оширди. Ва бунга у бутун давлат аппарати, бутун ҳуқуқ-тартибот органлари маҳкамаларини; милиция, суд, прокуратура, вазирликлар, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигини сафарбар этди.

Очқ, ошқора олиб борилган ислохотлар сиёсати Хитойнинг бошқа давлатлар билан бўлган муносабатларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Хитой илғор техника ва технологияларга эга Америка ва Япония билан алоқаларини яхшилади. Кўп ўтмай, жаҳон инвесторлари Хитойни молиявий, иқтисодий алоқа қилиш мумкин бўлган, келажакда порлоқ, истиқболли давлат деб тан олди. Жаҳон экспертлари Хитойнинг Буюк Британия билан тузган шартнома-сига асосан юз йилдан ортиқ Англия байроғи остида яшаб келган Гонконгнинг Хитойга қайтариб берилишининг таъбири шундай сўзлар билан бўлиб кетди: “Дэн — юмшоқ пахтага ўралган учи ўткир игнадир”.

Шу ерда Дэн Сяопиннинг дунёга машхур бўлиб кетган бир қатор ибораларини келтириб ўтмоқчимиз. Доншимандинг мана бу ибораларининг маъноси чақиб кўринг. У сизда қандай хотира, эҳти-

росу хиссиётлар уйғотиши мумкин. “Сув остидаги ўткир тошларни биз ундан кечиб ўтаётгандагина сезамиз”.

“Агар деразани оламга ланг очсангиз борми, хонага пашшалар кириб кетиши мумкин”.

“Ҳақиқатнинг кучи галп-сўзда ёки шарҳда эмас — аниқ рақамларда”.

“Совуққонлик билан қузатинг; муносабатингизни билдиришга ошиқманг, лекин воқеликка таъсир қилишга доимо тайёр турунг, сўзингизда, нўқтай назарингизда мурасасиз бўлинг; ўз имкониятларингизни намойиш қилишга шошилманг, маъқул пайт келишини кутинг, олға қараб югуриб қичманг; лекин ишни охирига қадар қилганга қадар қилинг”.

“Мушукнинг рангига қараманг, сичқон тутадиган мушук яхши мушук бўлади”.

“Шаҳарни яхшилаб экансиз, барқарорликнинг асоси бўлган қишлоқни нунутманг. Хитойнинг 80 фоизи аҳолиси қишлоқда яшайди. Жамиятимизнинг осойишталиги, иқтисодиётимизнинг тараққиёти биринчи навбатда қишлоқ хуудудларининг ривожланишига, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига боғлиқ.

“Агар Хитойда муаммолар бўлса, уларнинг илди-зи Коммунистик партиянинг мағизи, негизидadır”.

“Ислохотларнинг муваффақияти сиёсий тизимни ўзгартиришга боғлиқ. Сиёсий усткурман ўзгартириш мумкин иш. Иқтисодий структурани ўзгартириш жараёни жуда кийин кечади”.

Иқтисодий ислохотлар Хитойда бутун янги поғонага чиқди. Бунга биз Дэн Сяопиннинг мамлакат жанубий хуудудларига ўша тарихий сафарига тўхтаган Хайнань оролида бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик. Илгари қолоқ бўлган Хайнань оролининг бугунги ҳаёти билан танишдик. Денгиз қирғоғидаги йирик замонавий бандаргоҳларда турли шовқин билан ишлаётган улкан юк ортиш ва тушириш кранларини; гаройиб шаклда барпо этилган етти юлдузли, кўпқаватли замонавий “Атлантик” отели ва бошқа меҳмонхоналари, нефть, хўл мева-чева, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналари, барча қулайликларга эга замонавий шаҳар ва қишлоқлар қиёфаларини кўриб, бир авлод умри мобайнида қаровсиз, ташландиқ бу орол дунёдаги энг замонавий курортга айланганлигининг шоҳиди бўлдик.

Хитой Коммунистик партиясининг 2012 йил нояб-рида ўтган XVIII съезди Дэн Сяопиндан кейинги раҳбарлар алмашувининг туртинчи авлодига асос солди. Унда социализм қуришда хитой миллий хусусиятларини ўзида акс эттирган жамият қуришни, ислохотларни янада чуқурлаштиришни, очкилик, ошқоралик, ижтимоий адолат тасолюлига амал қилишни, ижтимоий тенг, бой-бадавлат жамият қуриш каби Дэн Сяопин гоёларига содиқ эканлигини билдирган Си Цзиньпин ҳукмрон партиянинг Бош секретари этиб сайланди.

Бугун Дэн Сяопин бошлаган ишлар янада бой-

итилиб, чуқурлаштирилиб давом эттирилмоқда. Хитой раҳбари Си Цзиньпин янги Буюк ипак йўлининг Иқтисодий масалалари бўйича “Ягона тақдирга эга — инсоният” концепциясини тақлиф этди. Мазкур концепция жиддий ва ёрлаб бўлса ҳам гоёта пухта ишланган, “глобал бошқарув”да: сиёсий келишув йўллари кидириш, ягона инфратузилма тармоғини яратиш, савдо алоқасини яхши йўлга қўйиш, валюта-молиявий оқимига кенг йўл очиш, инсоният ҳаётининг турли тармоқларидаги амалий ҳамкорликда гуманитар алоқаларни ривожлантириш каби бешта муқобил вариантни ўз ичига олади.

Хитой фақат ташаббуслар билан қаноатлангани йўқ. Қисқа вақт ичида бу лойиҳаларни амалга ошириш учун Ҳукуматнинг тараққиёт ва ислохотлар қўмитаси қошида бошқарув канцеляриясини ташкил этди. Инфратузилма инвестициялари бўйича Осиё банкни очди. Лойиҳани амалга ошириш учун Хитой ҳукумати 10 миллиард АҚШ долларилек Қўшма инвестиция фондини яратди.

Бугун Хитойда жами 53 та янги юқори технологиялар хуудудлари (зоналари), хорижий давлатларда таълим олиб, Ватанига қайтиб келган хитойлик мутахассислар учун эса яна 70 та илмий-техник зоналар очилган.

Хитой иқтисодий алоқаларни, савдо-сотиқни ривожлантириш бўйича дунёда бутун бир инқилоб қилапти, деса бўлади. Сабаби, янги Буюк ипак (темир) йўли нафақат давлатлараро савдо-сотиқни ривожлантиришга хизмат қилади, у Хитойдан Марказий Осиё давлатлари орқали Европага қараб яна янги йирик замонавий ишлаб чиқариш тизимларини яратишга олиб келади, минг-минглаб янги иш жойлари яратилади.

Хитой лойиҳасида Ҳинд океани қирғоғидан бошланган темир йўлининг Евроосиёдаги учта йирик макроминтақа: Марказий Осиё ва Россия, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё, учинчиси Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиё орқали Европага чиқиш географик йўналишлари белгиланган. Эътибор берсангиз, дунёдаги энг узун бу йўлнинг жами учта макроминтақаси йўналишининг иккитаси Марказий Осиё (атрофидида бешта мамлакат билан чегарадош бўлган Ўзбекистон) орқали Европага чиқади.

Шу кунга қадар биз битта, у ҳам бўлса биз қадимда туялар, аргумоқлар, хачирлар ва катта гилдиракли қўқон арвалари юрадиган Буюк ипак йўлини билар эдик. Мана энди бу йўл қаторига, Шарқдан Европага қараб, ҳаво йўлларида ташқари, замонавий теъзорар темир, автомобиль ва денгиз йўллари очилмоқда.

Экспертларнинг фикрича, 2030 йилга бориб, бу демак, атиги 5 йилдан кейин Хитой, ҳар бир давлат учун муҳим кўрсаткич бўлган — ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Хитой аҳолиси ҳозирнинг ўзида маҳсулот харид қилиш кўрсаткичлари бўйича Ер юзидидаги барча мамлакатлардан ўзиб кетди.

Хитойлик экспертларнинг таъкидлашича, ўтган беш йил ичида “Бир макон — бир йўл” атрофида жойлашган давлатлар билан Хитойнинг товар айир-бошлаш ҳажми 5 триллион долларни ташкил этди. Хорижий давлатларга чиқарилган инвестицияси эса 70 миллиард доллардан ошиб кетди.

Дэн Сяопин пухта ўйлаб, узқичи кўзлаган экан. Бугун Хайнань Хитойдаги янги намунали тропик курорт зонаси ҳам айланади. Бу ерга дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келадиган меҳмонларнинг кети узилмайди.

Ҳозир Хитойнинг Хайнань оролидаги Sheraton, Hilton, Holiday Inn, The Ritz-Carlton, Kempinski сингари нисбатан арзонроқ меҳмонхоналари ҳам бу ерга дам олиш ва доволаниш учун келган миншо-минглаб сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Биз томоша қилган етти юлдузли «Атлантик» меҳмонхона, айтишларича ҳозир жаҳонда иккита. Бири Дубайда Бирлашган Араб Амирикларида бўлса, иккинчиси тропик табиатли ва биз ҳўқоқ қилаётган Хайнань оролида.

Елкан шаклида, 170 метр осмонга қараб бўй чўзган бахайиб меҳмонхонанинг бош биноси галати геометрик қўринишга эга. Дам олаётганларга бу ерда ер юзидидаги барча кўрсаткич турлари кўрсатилди. Меҳмонхона ичидаги, рамзан таърифлаганда, бутун бир денгиз суви сифадиган катта акваариумда Жанубий Хитой денгизидидаги мавжуд мавжудларнинг барчасидан намуналар: акула, тошбақа, илон балик, қўйингки, куруқликда туғилиб, асосий умрини куруқликда ўтказадиган биз билмайдиган денгиз ва уммон ҳайвонлари-ю мавжуддодлари сузиб юрибди.

Бу аjoyиб табиатга эга ўзига хос мамлакатнинг тарихий, маданий, мезморий ёдгорликларини келиб томоша қилиб кетаётган туристларнинг сони бўйича Хитой дунёда 3-ўринда туради. 2018 йилда Хитойга 60 миллионга яқин турист зиёратга келган. Бу бир йил аввалгига қараганда 2 миллион сайёҳ кўп демакдир.

Фақат туризмнинг ўзидан Хитой давлат бюджетига қарийб 46 миллиард АҚШ доллари келиб тушади. Туризмдан даромад қўриши бўйича Хитой 4-ўринда туради. Ички туризмдан эса Хитой 1,5 миллиарддан ортиқ даромад қўради. БМТнинг туризм бўйича Умумжаҳон хизматининг маълумотида кўра, Хитой бугун Америка Қўшма Штатлари, Испания, Франциядан кейин жаҳонда 4-ўринда.

Дэн Сяопин ўзининг мамлакат жанубий-ғарбий хуудудларига машхур сафари пайтида Жанубий Хитой денгизидидаги Хайнань оролига алоҳида эътибор берган эди. 30 йил муқаддам бу ерда қадимги балиқчилар қишлоғидан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. Хитойликлар бир авлод умри мобайнида аҳолиси қашшоқ орол аҳолисининг турмуш даражасини кескин кўтариб, ерлари ботқоқ оролни ҳам дам оладиган, ҳам даволанадиган дунёнинг энг машхур санаторийи — курорт масканларидан бирига айлан-тирди. Ҳавоси тоза ва шифобахш гўзал денгиз бўйида кўп қаватли бинолар қад кўтарди, замонавий бандаргоҳлар, шифохона, курорт, санаторийлар барпо этилган.

Ислохотлар натижасида Хитойнинг денгиз бўйидаги хуудудлари мисли кўрилмаган муваффақиятларни қўлга киритди. Дэннинг режаси бўйича аввал савдо-сотиқ учун қулай жойлашган денгиз бўйидаги хуудудлар боийиши лозим эди, кейин уларнинг муваффақияти қитъа ичкарасига ҳам тарқалиши керак эди. Лекин у яна тўсқинликка учрайди. Дэн назарияси мамлакатнинг бошқа туманлари тараққиётига ҳиссасини қўйишни истамаган денгиз бўйи хуудудлари раҳбарларининг қаршилигига дуч келади. Шарқдаги бой районлар аҳолисининг турмуш шароити билан ғарбдаги камбағал туманлар аҳолисининг турмуш шароити ўртасидида фарқ тобора кўзга ташлана бошлади. Лекин халқнинг кўзи очилган, ислохотлар бошланиб кетган, раҳбарлик лавозимларини Дэн Сяопин тарафдорлари эгалла-ган эди.

Хусусан маҳаллий аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, ижтимоий ёрдам сифатини ошириш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Харақатлар стратегияси қамраб олган дастурда умуман мамлакатимиз бўйича кишлоқ жойларида жами 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш назарда тутилган.

2019 йил 16 январда "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги ҳам ана шу эзгу ниятга хизмат қилаётди. Бор-йўғи 4-5 ой ичида ушбу ҳудуд — катта қурилишлар ва модернизация майдонига айлантирилди.

Қарорда таъкидланганидек, Мўйноқ тумани табиий ресурсларга бойлиги, географик жойлашуви, юксак туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари ва улкан меҳнат ресурслари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Бугун шаҳар ва туман бутунлай янги қиёфа касб этмоқда.

Орол денгизи ҳудудидида 5,5 миллион гектардан ортиқ Оролқум саҳросининг пайдо бўлиши, ҳар йили 100 миллион тонна атрофида кум ва тузининг атроф-муҳитга тарқалишига қарама-қарши, аҳолининг барча қийинчиликлари матонат билан енгиб, фожиани омадга, тумани "Сахро марвариди"га айлантириш учун фидокорона меҳнат қилаётгани ва ватанпарварлиги алоҳида эътирофга сазовор.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай яшаш шароити яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилда 12 млрд. сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига саннат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда қурилиш ишларининг ўсишига эришилди.

Биз туманда уршувларимизни маҳаллий аҳоли вакиллари билан бошладик.

## ҲАМШИРА ДЕЙДИКИ...

Биринчи суҳбатдошимиз — Мўйноқда кўп йиллар давомида ҳамшира бўлиб ишлаган ҳожона Пердегул АСАНОВА:

— 2001 йилда пенсияга чиққанман, — дейди онахон. — Уйимдан бор-йўғи икки чақирим нарида жойлашган Мўйноқ туман марказий касалхонасида 36 йил ишладим. Сувнинг сифатсизлиги қандай касалликларга сабабчи бўлса, ҳаммаси бор эди.

— Нима учун шунча муаммоларни била туриб, бошқа жойга кўчиб кетмагансиз?

— Мен шу ерда туғилиб, ўсганман. Агар Мўйноқда битта одам қолса, ўша мен бўламан. Тўғри, дастлабки даврда, яъни олдинги муаммолар пайдо бўлган пайтда маҳаллий одамларнинг бошқа ҳудудларга кетиб қолган ҳолатлари кўп бўлди. Бу ерда қолганлар анча қийналгани рост. Чунки аччиқ сувни ичиб бўлмасди. Орол қуригач, одамларга иш ҳам қолмади. Ишлаб чиқариш батамом тўхтади. Олдинлари каттагина консерва заводи, ПМК ва бошқалар бўларди. Энди йўқ.

— Кейин нима бўлди?

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевга минг раҳмат. У киши Қорақалпоғистонга келди. 2017 йил январь кунини Туямўйинда биз билан учрашди. Ана шу учрашувда Туямўйин сувини сизларга олиб борадан деб ваъда бердилар. Орадан кўп вақт ўтмай 101 чақирим узунликдаги қувурларда ҳар бир хонадонга сув келтирилди.

— Ҳозир ана шу сувдан ичяпсизларми?

— Ҳа. Лекин сувдан ташқари Президент кўмаги билан икки йил ичида етмиш иккита янги замонавий уйлар қурилди. Боғча қурилди. Шаҳримиз тарихида биринчи марта марказлашган дехқон бозори барпо этилди. Шу пайтгача бозор излаб сарсон юрардик.

— Онахон, сиз Орол денгизининг қуриганини кўргансиз. Бу жараён хотирангизда қолганми?

— Нега бўлмасин! Сув қоча бошлади. Эсимда, ўша йиллардан қушлар келмай қўйди.

— Сув қочондан камаё бошлаган?

— 1970-йиллардан. Биласизми, биз илгарилари йўл бўлмаган пайтларда мотор қайиқларда у ёқдан бу ёққа бориб келардик.

— Ўша сиз ишлаган пайтларда табиий мувозанат бузила бошлаган бўлса, шифохонага келаётган бетобларнинг аҳоли қандай бўларди?

— Илгарилари шифохонамизга келганлар тезроқ тазаларди. Кейин даволаш муддатлари анча узайиб кетди. Хатто чорва ҳам касалга чалинди. Балиқлар ва қушлар деярли қолмади.

— Ҳозирги одамларнинг соғлиғига қандай таъриф берасиз?

— Ҳозир ҳаммаси бинойидек бўлиб бораётди. Президентимиз сув олиб келганидан кейин саломатлик билан боғлиқ муаммолар анча камайди. Истардимки, янги иш ўринлари очилса. Одамлар яйраб ишласа.

## КЕКСА КАПИТАННИНГ СЎЗЛАРИ

Орол мавжларида балиқчилик билан шуғулланган собиқ кема капитани Алмаз ТОВАШЕВ:

— 1959 йили мактабни битириб, йўланма билан балиқчиликка ишга кирдим. Ўша пайтларда маҳаллий аҳолининг 85 фоизи балиқчилик билан шуғулланарди. Биргина кон-

серва заводининг ўзида 1200 одам меҳнат қиларди.

Мен денгизда 12 йил балиқ овлардим. Мен ишлаган пайтда уч юзтача овчи кема бўларди. Яна юзтача балиқ таширди. 13 йил давомида капитан ҳам бўлдим. Орол денгизи ўша даврларда иқлимни бир хил — мўътадил ушлаб турарди.

1968 йилдан бошлаб сув қоча бошлади. Кейин Орол қуригач, ишимни ўзгартиришимга тўғри келди. Дехқончилик қилдим. Асосан полиз маҳсулотлари, қовун-тарвуз етиштиришга киришдим.

10 йил маҳаллий бошқарув тизимида, туман партия кўмитасида ишладим. Орада агрономликка ўқиб олдим. Кам бўлмадим.

— Нега фарзандингиз бор?

— 8 нафар фарзандим, 40 набирам ва 7 чеварам бор.

— Орол тикланишига ишонасизми?

— Ишонман. Чунки қадимги китобларда ҳам ёзилган — 40 кун қийинчи бўлса, кейинги 40 йил яна фаровонлик бўлади. Илоҳим, шу гап рост бўлсин!

## ЭКОЛОГ ЭЪТИРОФИ.

"Орол денгизи ва Амударёни ҳимоялаш уюшмаси" раиси Юсуф КАМОЛОВ:

— Мен шу ерда туғилдим. Шу ерда улғайдим ва шу ерда ўламан.

— Сув етишмаслиги муаммосининг тағ—замини нимада?

— Биз сувдан оқилона фойдалана олмадик.

Далаларни суғоришга ишлатилган сувнинг 38 фоизи каналларнинг ўзида, яъни оқиб келаётган пайтда ерга сингиб кетар эди.

Бу, бир томондан, сувнинг ортқича исроф бўлишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, ерости сувларининг ҳаддан зиёд тепага кўтарилиб кетишидек, муаммони бошимизга солди. Ерларнинг шўрланиш даражаси ҳам ортиб кетди.

— Нима учун бунга йўл қўйилди? Ҳозир ҳам борми бу муаммо?

— Ҳа, бор. Чунки далага сув эскирган каналлар орқали борапти. Уларнинг асоси — мустаҳкам бетон ёки пластмасса билан қоплангандагина ортқича сув исроф бўлмайди.

— Сув муаммоси одамларнинг саломатлигига салбий таъсир ўтказдики?

— Ўтказди, албатта. Экология борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳали жуда кўп. Шукрки, Президентимиз катта ислохотларни йўлга қўймоқда.

— Ҳозирги вазият қандай?

— Ўзгаришлар катта. Ҳозир улгурмасак, кейин ҳеч қачон бундай имконият бўлмайди!

## ХОКИМ ДЕЙДИКИ...

Мўйноқ тумани ҳокими Сайловбой ДОНИЁРОВ:

— Биламизки, Орол денгизи анча аввал, совет давридан қуриб бошлаган. Лекин одамларнинг ҳозирги ҳаёти қандай?

— Мен ҳар доим журналистлар билан мулоқот қилиб келаман. Чунки айнан журналистлар орқали амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида халққа маълумот етказиш мумкин. Жадал ва амалий ишлар 2016 йилдан бошланди. Президентимиз ташаббуси билан туманга Қўнғироддек жойдан тоза ичимлик суви келтирилди.

Одамлар ҳаётининг сифат даражасини яхшилаш борасида амалий

натижаларга эришилмоқда. Бу борада ўзингиз кўрган бўлсангиз — қанча йўллар, кўчалар тикланди.

Марказий кўчамиз 4 қаторли, 34 метрли бўлади. Ён-атрофида жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кетаяпти. Шу йилнинг ўзида янги амфитеатр қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, Маданият маркази яқинда ўз фаолиятини бошлайди. Шаҳримизда янги микрорайон қурилмоқда.

— Бу кенг қўламли ишлар қачон бошланди?

— 2018 йил ноябрь ойида. Январь ойида Вазирлар Маҳкамасининг Мўйноқни ривожлантиришга оид махсус қарори қабул қилинди. Шу ҳужжат асосида жами 75та янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Барча бошлаган ишларимиз халқимиз фаровонлиги учун. Бизга озгина вақт керак, холос.

— Бир пайтлар Мўйноқдаги энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси — эски консерва заводининг тақдирини нима бўлди?

— У ерда турли йўналишга ихтисослашган замонавий кичик корхоналар иш бошлаган. Мисол учун Германия билан қўшма корхонамиз — туз заводи ишга туширилди.

Шунингдек, қурилиш маҳсулотлари тайёрлайдиган қамиш заводи, бошқа қатор кичик бизнес лойиҳаларини барпо этиш жараёнларини бошлаб юбордик. \*\*\*

Мўйноқда қурилаётган янги консерва заводини ҳам бориб кўрдик. Корхона директори Руслан Мамбетқодировнинг қайд этишича, корхона яқин 6 ой ичида ишга туширилади ва у балиқ маҳсулотларини хорижга экспорт қила бошлайди.

Шаҳарда шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Мўйноқ туманидаги вакили Саломат Иниязов билан суҳбат қурдик. У туманда ташкил қилинган Ёшларни иш билан таъминлаш марказлари фаолияти ҳақида гапириб берди. Шунингдек, маҳаллий йигит-қизларнинг илм-фан ва спорт соҳасида нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда эришаётган ютуқлари тўғрисида ҳам тўқилганиб сўзлади. Педагогика ва табиёт олий таълим муассасаларида ўқиш учун алоҳида квоталар ажратилаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

## ЯНГИ ЗАВОД

Биз Мўйноқдан ташқари, Орол бўйидаги бошқа туманларга ҳам бордик. Жумладан, Қанлиқул туманида жойлашган "Кантекс инвест" компаниясининг ип йигирув заводида бўлдик.

Завод директори Қувондик Эшмуротов ва ҳиндистонлик тадбиркор, ишлаб чиқариш менежери Санжив заводидаги иш жараёни билан таништирдик.

Ушбу завод 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан очилган. Асосий ишлаб чиқариш жараёни 2019 йил февраль ойидан бошланган. Ҳозир унда 560 нафар қанлиқуллик йигит-қиз меҳнат қилади.

Маҳаллий ишчиларга Ҳиндистондан келган экспертлар ёрдам бермоқда. Технологиалар замонавий.

— Ўзбекистонда 2016 йилдан кейин бизнес юритиш анча осонлашди, — дейди Санжив. — Қонунлар тақомиллаштирилди. 2027 йилгача солиқлар бўйича энгиллик берилди. Экспорт қўллаб-қувватланапти. Заводимиз кейинги йилдан кластер усулига ўтиб ишлашни режалаштирган. \*\*\*

Кегейли туманидаги Интенсив боғдорчилик таъриба ҳўжалигидаги суҳбатимиз жуда ажойиб кечди. Бир томонимизда Германия ҳамкорлиги ташкилотининг Дастур менежери, кишлоқ ҳўжалиги бўйича эксперт Беат Шорэит хоним, иккинчи томонимизда эса шу ҳўжалик директори, таърибали агроном Оябеген Тўлибаев.

Далани айланар эканмиз, мазкур таъриба ҳўжалигида 2013 йилдан бошлаб олиб борилаётган ишлар билан бевосита танишдик.

Бу ерда экилган мевали дарахтлар — сувни кам ичадиган ва шўр ерларга мўлжалланган навлар. Уларни етиштиришда Европа технологияларидан фойдаланилаётди. Германия ва Ўзбекистон олимлари ва агрономларнинг ҳамкорлиги, янги навларнинг маҳаллий боғбонлар учун аҳамияти, уларнинг кўчатлари нафақат Қорақалпоғистон, балки қўшни Хоразмда ҳам яхши ўсаятганлиги, томчилаб суғориш тизими ҳақида мириқиб гурунлашдик.

Ҳа, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ишлар қўлами, ҳақиқатан ҳам, кенг. "Сахро марвариди" яқин йиллар ичида дунё ахлини ўзининг янги жилвасию юксак муваффақиятлари билан яна бир бор лол қолдириши шубҳасиз.

Беруний АЛИМОВ.

## Дунёда нима гап?

### Буюк Британия Европа Иттифоқидан чиқадими?

Британия Европа Иттифоқи билан келишув бўйича Брюсселга "Brexit" учун 39 миллиард фунт стерлинг (50 миллиард доллар) тўлаши керак. АҚШ президенти Дональд Трамп ушбу суммани тўламаслигини маслаҳат берган.



Унинг фикрича, Британия Европа Иттифоқини жорий йилда тарк этиши лозим. "Уларнинг ўрнида бўлганимда ўзим истаган нарсани ололмасам, кетган бўлардим". "Ҳалол битим тузишга муваффақ бўлолмасангиз кетасиз" дея таъкидлаган у. Трамп ушбу битим тузилиши ё тузил-

маслигидан қатъи назар Британия бош вазири лавозимига номзодларни қўллаб-қувватлашни маълум қилган. Улар орасида собиқ ташқи ишлар вазири Борис Жонсон, "Brexit" масалалари бўйича собиқ вазири Доминик Рааб ва амалдаги ички ишлар вазири Сажид Жавид бор.

### Миллион долларлик ёрдам



"Риа Новости"нинг хабар беришича, Жанубий Корея пойтахти маъмурияти Шимолий Кореянинг қурқоқчилик туфайли келиб чиққан озиқ-овқат тақчиллигидан азият чекаётган аҳолига миллион долларлик ёрдам юборишни режалаштирган.

— Ўн миллион киши бу — шимолликларнинг деярли қирқ фоиз аҳолиси, — дейди Сеул мэри Пак Вон Сунн. — Уларни қутқариш керак.

Халқаро озиқ-овқат дастури доирасидаги маъмур ёрдам ионнинг ўрталарида юборилиши ҳам маълум қилинган.

### Ироқ судининг қарори адолатлими?

"France 24" телеканалининг хабарига қараганда, Ироқ суди Франциянинг ИШИД билан алоқдорликда гумон қилинган 11 фуқаросига ўлим жазосини эълон қилган.



Хабарда айтилишича, Бағдод суди 3 июнь кунини Суриядан Ироққа ўтказилган 11 французнинг охири икки нафарига ўлим жазоси ҳукмини чиқарган. Судланувчилар 30 кун ичида ушбу ҳукм юзасидан шикоят қилишлари мумкин.

Ироқ қонунчилиги террорчилик гуруҳи аъзоларини шу тарзда жазолайди.

Бундай қарор чиқариш учун жанговар ҳаракатларда иштирок этиш шарт эмас. 26 майда ҳам Бағдод суди ИШИДнинг 3 нафар француз аъзосига ўлим жазосини берган эди. "Human Rights Watch" халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Ироқ судларини тез-тез ўлим жазосини қўллаб келаётганликда айбламоқда.

### Норозилик намойиши



Эфирида берилган. Намойишда 80 киши қатнашган, улардан 29 нафари қўлга олинган. Аммо маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ҳужжат тўлдирилиб, қўйиб юборилган.

"Интерфакс" хабарига кўра, Арманистондаги "Адеквад" жамоат ташкилоти аъзолари бош вазири Николь Пашинянга нисбатан норозилик намойишини ўтказган.

Ушбу намойиш ташкилотнинг "Фейсбук"даги саҳифаси жонли

### Сохта шаҳзодага 18,5 йиллик "сийлов"

1991 йилдан буён ўзини саудиялик шаҳзода Ҳалил Ол Сауд қилиб кўрсатган фирибгар Энтони Жиньякка суд ҳукми эълон қилинди. 48 ёшли фирибгар АҚШда қимматбаҳо меҳмонхоналарда яшаган, шахсий ҳайдовчи билан лимузинда юрган ва миллионлаб доллар кредит олган.



Сармоячилар унга 8 миллион доллардан кўпроқ маблағ беришган. Унинг охириги қурбони америкалик миллиардер Жеффри Саффер сохта шаҳзода билан бошланган. Бунга унинг чўчка гўштини паққоз тушираётгани сабаб бўлган ва

хавфсизлик хизмати ортдан тушган. У судда кўпчиликка моддий ва маънавий зарар етказганини тан олди ва шерикларини ҳам жазолаш кераклигини айтди. Сохта шаҳзода Энтони 18,5 йиллик қамоқ жазоси билан "сийланди".

### Мусулмон вазирлар истеъфога чиқди



Шри-Ланка Мусулмон конгресси раҳбари Рауф Ҳаким твиттердаги саҳифасида ислом динига эътиқод қилувчи вазирлар, уларнинг ўринбосарлари, давлат вазирлари ўз лавозимларидан кетишларини маълум қилган эди.

"AFP" ахборот агентлигининг хабар беришича, мусулмонларга нисбатан бошланган ҳўжумларнинг тўхтамаётгани сабаб ҳукумат таркибидидаги мусулмон вазирлар истеъфога чиқишга ариза берган.

Умумий ҳисобда 9 амалдор, бир неча вазири ва 2 нафар вилоят губернатори ўз лавозимларидан кетган.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

► Спорт

Теннис дунё миқёсида ўзининг миллионлаб мухлисларига эга. Мунтазам шугулланиш кўз, умуман, саломатлик учун гоёт фойдали бўлгани учун Европада уни зодгонлар севиб ўйнаган. «Қироллар ўйини» атамасининг пайдо бўлиши шундан. Теннисни жамиятнинг барча қатламлари, ҳар қандай ёш, ҳатто ногиронлик аравачаларида ўтириб ҳам, умуман, ракетани ушлаб оладиган ҳар қандай одам, ўйнаши мумкин.

1912 йили Халқаро теннис федерациясига асос солинган бўлса, 1965 йили Халқаро профессионал теннисчилар ассоциацияси тузилган. У ҳар йили тўрт тоифага бўлинган 77 мусобақа ўтказилади. 1963 йилда ташкил қилинган Аёллар теннис ассоциацияси эса йилга 54 хил мусобақага ташкилотчилик қилади. Дунёнинг энг нуфузли теннис мусобақаси — «Улкан тож» (Grand Slam) турнири. У ҳар йили кетма-кетлик тартибда Australian Open, French Open, Wimbledon ва US Open турнирларини ўтказилади. Бундан ташқари, теннис бўйича Олимпия ўйинлари, Давис Кубоги, Фед Кубоги, Хопман Кубоги каби бир қанча норасмий турнирлар ҳам бор.

# Теннис: «Қироллар» қайдадур?..

### Мамлакатимизда теннисни ривожлантиришнинг имкониятлари қандай?

#### «ХАВАС» ДАН БОШЛАНГАН ХАВАС

Юртимизда теннисга ўхшаш миллий ўйинлар қадимдан бўлган. Хусусан, «бир таёқ» халқ ўйинида теннисга хос жиҳатлар мавжуд. Замонавий теннис эса Ўзбекистонга XX аср бошларида кириб келган. 1992 йили Ўзбекистон Теннис федерацияси Халқаро теннис федерацияси аъзолигига қабул қилинган. 1994 йилдан Тошкентда профессионал теннисчилар ўртасида «Президент кубоги» халқаро мусобақалари ўтказила бошлаган. 1997 йилдан раҳбар ходимлар ўртасида «Хавас» мусобақаларининг ташкил этилиши тенниснинг мамлакатимизда кенг оммалашувида муҳим аҳамият касб этди. Бироқ ҳар икки мусобақа кўп ўтмай тўхтаб қолган.

#### КИМЛАР ПЕШҚАДАМ?

Жаҳон теннис федерациясининг расмий сайтыда теннисчиларнинг 300 кишилик рейтинг саҳифаси бор. Унда эркаклар ўртасида (АТП) сербиялик Новак Жоквич, аёллардан (WTP) япониялик Наоми Осака шу кунларда биринчи ўринни банд этиб турибди. Ҳар иккала рейтингда ҳам Америка, Россия, Аргентина, Сербия, Швейцария, Германия вакиллари кўпчилик. Биргина Америкадан 62, Россиядан 47 вакил киритилган. Ҳам

юртларимиз Денис Истомин АТПда 97-ўринни, Сабина Шарипова WTPда 169-ўринни қайд этган. Жами 600 кишилик рейтингнинг атиги икки жойида миллий байроғимиз кўзга ташланади, холос.

Ўзбекистон Теннис федерациясининг tennis.uz сайтыда бугунги кунда теннис билан шугулланаётган 10629 нафар спортчи умумий рейтингга киритилган. Шундан 539 нафари аёл теннисчилар. Эркаклар орасида Денис Истомин, аёллар ўртасида Окгул Оманмуратова биринчи ўринда. Сайти кузатаркансиз, теннисчиларимизнинг ўндан тўққиз қисми пойтахтлик эканини кўрасиз ва вилоятларда ушбу спорт турига эътибор сустлигидан ўйлаб қоласиз. Ваҳоланки, ziuonet.uz сайтининг спорт бўлимида қайд этилишича, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Республика теннис федерациясининг бўлимлари мавжуд. 47 теннис клуби, теннисга ихтисослашган 76 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатяпти. Соҳада йилдан-йилга ижобий ўзгаришлар бўлаётгани бот-бот таъкидланган.

1997 йил 25 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ва 1998 йил

11 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида соҳа тарқиқетига қулай шарт-шароит яратиш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар бугунги кунда қай даражада бажарилмоқда?

#### «ҚИРОЛЛАР», ҚАЙДАСИЗ?

Теннис ҳақида гап кетганида албатта, фахр билан Ирода Тўлаганованинг номини тилга оламиз. У эришган муваффақиятлар биргина Grand Slam турнирида яқол кўзга ташланади. Эътибор беринг: 2003 йили French Openда — учинчи, 2002 йили Wimbledonда — иккинчи, US Openда — учинчи, 2001-2002 йиллари Australian Openда биринчи ўринларни эгаллаган. Жами 972 624 АҚШ доллари миқдоридан мукофот пулини қўлга киритган.

Теннис кортларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истоминнинг натижалари ҳам қувонарли. 2012-2015 йиллари Australian Openда — иккинчи, 2011-2012 йиллари French Openда — учинчи, US Openда 2011-2015 йиллар — иккинчи ва 2012 йил Wimbledonда учинчи ўринларни эгаллаб, ҳозиргача 5,73 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдоридан мукофот пули олган.

Ёлғиз отнинг донги чиқмас. Барча соҳалар каби спортни ривожлантиришга ҳам улкан эътибор қаратилаётган мустақил мамлакатимизда теннис бўйича янги «қироллар» зарур.

#### ҲАМ ҲАМ БОЙЛИК

Теннисда мукофот пулининг бандлиги кўпчиликни қизиқтириши табиий. Эркаклар мусобақалари АТП ва ИТФ турнирларига бўлинади. АТПга 250, 500, 1000 ва 2000 рейтинг берувчи турнирлар кирди. 250 ва 500 рейтинг баллари

нисчига шунчаки қатнашгани учун 75 000 доллар тақдим этилади.

Тенниснинг яхши томони, белгиланган мукофот пули бир нафар теннисчи учун салмоқли эканидандир. Баъзи теннисчиларнинг қўлга киритган натижаларини кўриб эса ҳавасингиз келади. Мисол учун, сербиялик Новак Жоквич фаолияти давомида қўлга киритган мукофот пулларининг умумий миқдори 119,1 миллион АҚШ долларидан кўпроқ, Рожер Федерерда эса бу кўрсаткич қарийб 117,8 миллион АҚШ



биринчи турнирлар АТП турнирлари, 1000 очко берувчи турнирлар «Мастерс» ҳамда 2000 очко берувчи «Улкан Тож» (Australian Open, Wimbledon, Roland Garros ва US Open) турнирлар шул жумласидандир.

Мусобақаларнинг даражасига қараб, пул мукофотлари ҳам ошиб бораверади. Масалан, 250 рейтинг берувчи АТП турнирининг соврин жамғармаси ўртача 500.000 доллардан 1.000.000 миллион долларгача.

Яқинда «Rollan Garros» турнири бу йилги соврин жамғармаси 42,6 миллион еврога етказилганлигини эълон қилди. Яқалик бахсларида чемпион бўлган теннисчилар (ҳам эркаклар, ҳам аёллар) 2,3 миллион еврога қўлга киритади. Финалчилар — 1,18 миллион, ярим финалчилар — 590 000, чорак финалчилар — 415 000, тўртинчи даврагача етиб келганлар 243 000 еврога эга бўлади.

Жорий йилги Австралия очик чемпионати ғолиби эса 4 миллион АҚШ долларидан кўпроқ совринни қўлга киритади. Мусобақанинг умумий мукофот жамғармаси 62,5 млн. долларни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига қараганда 7,5 миллион доллар кўпроқ демандир. Асосий турнир биринчи босқичда иштирок этган барча 128 (аёллар билан қўшиб ҳисоблаганда 256 нафар) тен-

доллари. Аёллар ўртасида мукофот пули ишлаб топиш бўйича етакчи теннисчилар 88, 2 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари қўлга киритган америкалик Серена Уильямс. Унинг сингlisi Винус Уильямс эса қарийб 41 миллионлик совринларга эга чиққан. Рўйхатнинг учинчи погонасида қайд этиладиган россиялик Мария Шарапованинг бу борадаги улуши 38,3 миллион АҚШ доллари ошади! Унинг бағишласан арзийдиган ўйин. Тўғрими?

#### «ҚОЗОН»ДАГИ УЛУШ

Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида, туман-қишлоқларида чиниққан ёшлар пойтахтимидагидан кам эмас. Уларни теннисга жалб этиш, махсус майдонлар қуриб зарур анжомлар билан таъминлаш яхши натижалар бериши аниқ. Ваҳоланки, теннис кортлари ва анжомлари у қадар катта маблағ ҳам талаб қилмайди.

Спорт нафақат мамлакат номини дунёга танитади, балки азалдан катта бизнес манбаи ҳамдир. Жаҳоннинг улкан спорт ва бизнес «қозони»дан ўз улушини олишга спортсавар халқимиз ҳақлидир.

**Муниса АЪЗАМ,**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

### ► Уюшма фаолиятдан

## Маҳорат марказини яна 12 киши битирди

«Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари таҳририяти қошидаги «Журналистик маҳорат маркази»нинг бу галги тингловчилари орасида телевидение, газета ва интернет нашрлар ҳамда давлат органлари ахборот хизматлари ходимлари, олий ўқув юртлири талабалари бор. Уларнинг мақсади битта — бугунги ахборот асрида ахборот тарқатишни сифатли, холис амалга ошириш сирларини ўрганиш, ўрганганларини амалиётда қўллаш.

Бу тингловчилар 2018 йилнинг декабрь ойидан бошлаб, жорий йил май ойи якунига қадар махсус ўқув режа асосида журналистика сирларидан воқиф бўлди. Уларга нафақат таҳририят ходимлари, шунингдек, фахрий журналистлар, юртимиздаги етакчи интернет нашрлари мухбирлари, телевидение ва газета мухбирлари ҳам сабоқ беришди.

Марказда бўлиб ўтган тингловчиларга сертификатларни тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Ф.Тошев, Олий Мажлис Сенати аъзоси Н.Раббимова, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори И.Тўхтасинов сўзга чиқиб, ёшларга журналистика соҳасидаги маҳорат сабоқлари ҳаёти ва фаолиятида асқотишини айтиб ўтдилар.

## «Свирская энергия» мухбири юртимизда

Дунёга юз тутган юртимизга хорижий мамлакатлардан меҳмонлар ташрифи ортиб бормоқда. Улар орасида турли соҳа вакиллари, хусусан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу ўз ўрнида хорижий мамлакатлар аҳолисига жонажон ўлкамизнинг туризм масканлари, меҳмонхоналарини тўлароқ тарғиб қилиш имкониятини бермоқда.

Ана шундай саёхатчи журналистлардан бири — Россия Федерацияси, Иркутск вилояти, Свирск шаҳри наشري бўлган «Свирская энергия» газетаси мухбири Наталья Григорянц шу кунларда Навоий вилоятига етиб келди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Матбуот уйи»да Наталья Григорянц билан ижодий учрашув ўтказилди.

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, — дейди Н.Григорянц. — Каерга борманг кишиларда хушмуомалалик, одамлар юзида кулгунинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, тандида пиширилган нонни кўриб, уни санъат асарига қиёсладим. Унинг тайёрланиш жараёни билан ҳам танишдим. Газетамизнинг ўтган сонларида «Свирск-Навои: из Сибири — в страну изобилия» номли мақолам нашр этилган эди. Эндиликда бу ердан олган таассуротларим ҳақида яна материаллар тайёрлаялман.


Учрашув сўнггида «Свирская энергия» ҳамда Навоий вилоятининг «Знамя дружбы» газеталари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

# “Хоразм минтақавий пахта терминали” масъулияти чекланган жамияти жамоаси барча юртдошларимизни Рамазон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2019 йил 19 мартда Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 12-сонли баёнига мувофиқ «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тизимлари томонидан изчиллик билан ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Яқинда мазкур жамиятга қарашли «Хоразм — барака чеварлари» масъулияти чекланган жамиятининг Шовот туманида тикувчилик мажмуаси бунёд этилиб замонавий ускуналар билан жиҳозланди, янгидан 150 нафар ишчи ўрни яратилди. Вилоятда ана шундай тикувчилик фабрикасидан яна 19 та, яъни ҳар бир туманда иккитадан барпо қилиниши режалаштирилган.





## “ТУРОНБАНК” АТБ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни муборак айём –  
Рамазон ҳайити муносабати билан самимий қутлайди.  
Ватан равнақи, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун олиб  
бораётган эзгу ишларингиз бардавом,  
юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.  
Хонадонларингиздан қут-барака,  
тинчлик-хотиржамлик аримасин.*

Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ  
миллий ва хорижий валюталарда жозибатор шартлардаги муддатли,  
жамғарма ва онлайн омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги 21 %гача  
омонатлар

Хорижий валютадаги 7 %гача  
омонатлар

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)

+99895 144-60-00

turonbank

turonbank

turonbankuz

Хизматлар  
лицензияланган

### ► Таълим

— Илмининг аввали сукут, сўнг эшитиш,  
ёд олиш, амал қилиш, тарқатиш — деган  
экан Ибн Абдуллоҳнинг ва файласуфи  
Имом Фаззолий.

## Тил билган муродига етар

Менимча, мохир педагогларимиз ўз меҳнат фаолиятлари давомида ана шу фикрга таяниб иш юритсалар, фойдадан холи бўлмайди. Ўзимизда бор билимни келажак авлодга етказиш ва ҳар томонлама етук, дунёқараши кенг бир неча тилда бемалол мулоқот қилаоладиган инсонлар қилиб тарбиялашимиз зарур. Бунинг учун мактаб дарслари билан бир қаторда қўшимча машғулотларни ҳам ташкил этиш зарур. Дастурга замонавий ўйинларнинг киритилиши ҳам ўқувчи ёшларда қизиқишни ортиради. Ана шунда ўқувчи-ёшлар давр билан ҳамнафас бўлишга интилади, замонавий билимлар ва касб-хунарларни пухта ўзлаштиради.

Шу боис мен дарс бериш жараёнида ўқувчиларимни инглиз тилига астойдил қизиқтириш чораларини кўраман. Ўзим раҳбарлик қилаётган “Let’s speak English” тўғраги машғулотларида ҳам бошланғич синф ўқувчиларига бу тилни ноанъанавий усулларда



чуқур ўргатишга ҳаракат қиламан.

Йиллар оша қатъий ишонч ҳосил қилдимки, сабоқлар асноси мусиқали танафуслардан фойдаланиш, сахна асарларидан парчалар намойиш қилиш, турли йўналишдаги амалий машғулотларни бажаришга, масалан, мева-сабзавотларни татиб кўриш, пластелиндан уй жиҳозлари ва транспорт воситаларини ясаш каби юмушларга жалб этиш уларнинг хорижий тилларни ўрганишга иштиёқини оширади. Шунингдек, нутқининг ўсишига, бўш вақтларининг мазмунли ўтишига ва руҳий-маънавий олами бойишига ёрдам беради.

Мактабларда ўқув жараёнлари яқунланди, навбат имтиҳонларга етди. Шу муносабат билан биз хайри бир ишга қўл урдик. Аникроғи, тўғрагимизнинг йиллик ҳисоботи тарихида иккита 4-синф ўртасида “We love English” номли танлов уюштирдик. Унда ўқувчилар Greeting (Саломлашиш), Answer the questions (Саволларга жавоб бериш), Crossword (Кроссворд ечиш), Musical path (Музикалий йўлакча), Role Play (Саҳна кўриниши) шартлари бўйича беллашдилар. Ҳақилар утукларига яраша тақдирландилар.

Энг муҳими, бу тадбир бир жиҳатдан ўғил-қизларимиз ўқув йили давомида инглиз тилини нечоғли ўзлаштиришганини, тўғрақда олган билим ва маҳоратларини намойиш этишлари учун ўзига хос синов бўлди, иккинчидан, бугунги кунда имкон қадар кўпроқ хорижий тилларни билиш замон талаби ва таваққуф гарови эканлигини англатувчи оммил вази-фасини ўтади. Шунга кўра, биз айни йўналишдаги ишларимизни келгусида янада такомиллаштириш ва изчил давом этириш ниятидамыз.

**Зухра ОСМОНОВА,**  
Тошкент шаҳар,  
Сирғали туманидаги  
300-давлат  
ихтисослаштирилган  
умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси.

### Муқаддас айём

1 Бу эса халқнинг ўзаро тотувлиги янада зиёда бўлишига, жамиятда ҳамжиҳатликнинг ортисига сабаб бўлади.

Ана шундай фазилатлар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб хислатларнинг амалий тасдиқи сифатида “Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни авф этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган ёдга тушади. Мазкур Фармон билан 575 нафар маҳкум авф этилди. Ушбу инсонпарварлик акти — давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир. Зеро, ўзининг адашганлигини вақтида тушуниб етган одамларни авф этиш — муқаддас динимизнинг асосий арконларидан саналади. Ёки бўлмасам, Рамазон ҳайити арафасида Президентимизнинг шахсан топшириғи билан Яқин Шарқда, хусусан, Суриядаги жанг кетаётган жойлардан 156 нафар юртдошимиз Ўзбекистонга олиб келинди. Мана шундай инсонпарварликнинг айнан Рамазон кунларида, ҳайит кунлари арафасида оширилганда ҳам ўзига хос ҳикмат бўлса, не ажаб. Табиатда шундай шамол эсади. Бу шамол бирор томонга йўналмайдиган — эркин шамолдир. Мамлакатимизда ана шундай шамол эсиб турибди. Бундай шамолнинг баҳриси ҳаммага, унраган кишига тегмоқда. Ҳар тонгимиз Ийд, ҳар тунимиз Қадр бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламиз.

Қутлуг Рўза ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

### ► Мулоҳаза

Ҳар тонг уйқудан кўз очиб, юрагимда ҳадик билан илтижо қиламан: “Эй, Худоим, бугун, ишқилиб, ҳайдовчининг одамшавандароғига дуч келайлик-да!”

## Ҳайдовчи улашадиган “ҳамиртуриш”

Пойтахтимизда шалоғи чиққан, бир тутаса, қуруми, димоқ-ку, майли, тоғни ҳам ёрадиган эски автобуслар қолмади, ҳисоб. Хориж оша келганлари ҳам, Самарқандда ишлаб чиқарилганлари ҳам — ҳаммаси тоза-озода, қулай, шинам. Юришлари сокин. Салонида пиёлага чой сузиб қўйсангиз, чайқалмайди...

Бекатда одам кўп. Ҳамма ишга, ўқишга, уйга шошилган. Яп-янги, ям-яшил автобуслар биринкетинг сассизгина келиб тўхтади. Бирининг пешонасига “72”, яна бириникига “88” рақами ёзилган. Аслида гап бу рақамларда ҳам эмас.

Бошланади.  
— Чаққон-чаққон чикинлар! — деб ҳайқиради ҳайдовчи. — Хув киз, сан ўртароққа ўтсанг-чи, баракатопкур. Силжисангчи!..

— Ахир, қаерга ўтамыз? — деймиз жўр бўлиб бешолти қиз. — Оёқ босгудай жой йўқ-ку!..



Бўйнига белбоғ ташлаган ҳайдовчи, энди пишқиради:

— Қаерга бўларди, ичкарига-да... бўл, бўл!  
— Жой йўқ-ку-у!  
— Жой бўлмаса, бир оёқда турларинг! Хи-хи!..

Шундай қилиб, “бир оёқ”да университетга етамыз. Автобус деярли бўшаб қолади. Ҳайдовчи талабаларнинг қўлидаги ойлик чиптани кўриб, энаси котадики, тасвирлаш қийин. Гўё илми то-

либлар унинг шахсий машинасида текин юрибди. Гўё йўловчининг бу қавми ундан бир умр қарздор.

Сўнгги пайтда, кунлар исиб кетди. На жазирамага, на ҳайдовчиларнинг “ширин” муомаласига чидаш қийин бўлиб қолди. Эрталабки кайфият узун кунга “ҳамиртуриш” улашади. Бузилади. Кунингда на барака, на маза-матра қолади. Биламиз, автобус — жамоат транспорти. Йўловчиси кўп. Лекин

«Тошхажратрансхизмат» корхонасидаги мутасаддилар ҳайдовчиларни ишга қабул қилишгаётганида муомала ва кийиниш маданиятидан ҳам озгина “сабоқ” беришса, зарар қилмасди. Замонавий автобусларимизга мос бўларди.

**Ситора ЙЎЛЧИЕВА,**  
Ўзбекистон  
Журналистика ва  
оммавий  
коммуникациялар  
университети талабаси.

HURRIYAT



Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир  
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

Таҳририятга келган  
хатлар доимий  
эътиборимизда бўлиб,  
улар муаллифларга  
қайтарилмайди.

Адади: 3035  
Буюртма — V-3468  
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими:  
(0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20<sup>00</sup>  
Топширилди — 20<sup>00</sup>

Обуна индекси:  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун —  
233

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида теризди  
ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ш.Шоҳидоев, Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.